



**Жаҳонгир
ВОҲИДОВ**



**Нодирбек
АБДУСАТТОРОВ**



**Нодирбек
ЁҚУББОВ**



**Жавоҳир
СИНДОРОВ**



**Шамсиддин
ВОҲИДОВ**

ishonch




Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
11 август
пайшанба
№ 97
(4693)

Сизлар каби азму шижоатли, ватанпарвар ёшлар энг катта бойлигимиз, миллатимизнинг «олтин фонди», десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

БУТУНЖАҲОН 44-ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистон шон-шухратини бутун дунёга тараннум этиш йўлида ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти ва профессионал маҳоратини яққол намойиш этиб, Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадасида муваффақиятли иштирок этгани ва дунё давлатларининг 188 та жамоаси орасида ғолибликни қўлга киритиб, Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлгани, шунингдек, республикамизда спортни кенг оммалаштириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий гурур, мардлик ва ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш борасидаги улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»
ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**
Абдусатторов Нодирбек Фазлиддин ўғли – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Вахидов Жаҳонгир Таирович – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Воҳидов Шамсиддин Пулат ўғли – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Синдаров Жавоҳир Санжарбекович – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»
ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**
Егин Владимир Николаевич – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси
Соколов Иван – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

**«ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»
ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**
Егин Владимир Николаевич – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси
Соколов Иван – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

**«КЕЛАЖАК БУЊЁДКОРИ»
МЕДАЛИ БИЛАН**
Бобомуродова Мафтуна Панжиевна – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Маликова Маржона Абдимажид қизи – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Омонова Умида Шухрат қизи – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Ҳамдамова Афруза Акбаровна – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Якуббобоева Нилуфар Муродбек қизи – Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 август

ОФФАРИН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЎҒЛОНЛАРИ!

Дил сўзи

ҒАЛАБА ҚУВОНЧ КЎЗЁШЛАРИ БИЛАН НИШОНЛАНДИ

Жаҳонгир 5 ёшидан Самарқанд шаҳридаги шахмат мактабига қатнай бошлаган. Унинг биринчи мураббийи, унга шахмат алифбосини ўргатган онаси – Феруза Нишанова бўлади. Кейинчалик акам Абдуваҳоб Воҳидов ва ўзим ҳам ўғлим билан жиддий шуғуллана бошладик. У 12 ёшида Осиё чемпионатида 2-ўринни олди. Кейинчалик ҳам кўплаб халқаро мусобақаларда ғолиб бўлди.

Жаҳонгиргача қолган йилларимиз 3 та тахтада рақиблар билан дуранг натижа қайд этишган. Ўзингиз айтганингиздек, агар Жаҳонгир ҳам дуранг ўйнаса, чемпион бўлолмасдик. Мен Жаҳонгирнинг ўйинини, унинг юришларини кузатиб, ўғлимнинг ғалаба қозонишига шубҳа қилмадим. Чунки унинг рақибидан кучлилиги яққол сезиларди. Биз ўша ҳаяжонли дақиқаларни бутун оиламиз билан кузатдик ва ғалабани қувонч кўзёшлари билан «нишонладик». Ўша вақтдаги қувончли ҳиссиётларни сўз билан таърифлаб беролмайман. Олимпиадада кучли жамоалар, номдор шахматчилар кўп эди. Лекин Жаҳонгирнинг онаси ғалабага бошидан ишонди, дуо қилиб, тилаб, сўраб турди, она-да. Менимча, бу ғалабага кўпчилиكنинг дуоси билан ҳам эришилди. Мен ўзим гувоҳ бўлдим, халқи-

миз ўз ўғлонларини дуо қилиб турди.

Муҳтарам Президентимизнинг ўғлим билан телефонда гаплашганини интернетда кўриб, жуда-жуда хурсанд бўлдим. Аёлим қувонганидан йиғлаб ҳам олди. Шу жойда бир гап: ўғлим Жаҳонгир ҳам «Ёшлар куни» муносабати билан Янги Ўзбекистон боғида ўтказилган тантанали тадбирда иштирок этиши керак эди. Аммо ўша кунлари бироз соғлиги бўлмагани боис тадбирга боролмади. Ўша тадбирни телевизорда кузатган умр йўлдошим: бизнинг ўғлимиз ҳам юрт эгаси билан учрашса, давлат раҳбари унинг қўлини сиқиб, меҳр билан бағрига босса... дея ният қилган эди.

Мана, аёлимнинг эзгу нияти амалга ошадиган бўлиб турибди. Насиб қилса, ўғлим ҳам ана шундай бахтга мушарраф бўлади. Кўпчилик ота-оналар қаторида мен ҳам ёшларимизнинг илм олиши, касб-хунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиши борасида яратилаётган барча шарт-шароитлар, эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбаридан мингдан-миг миннатдорман. Ёш шахматчиларимизнинг шахмат олимпиадасида чемпион бўлиши ўша ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги меvasидир. Улар халқ ва юрт эгасининг ишончини оқлашди.



Тоҳир ВОҲИДОВ,
халқаро тоифадаги
гроссмейстер, Жаҳонгир
Воҳидовнинг отаси



Эркинжон НУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси,
«Дўстлик» ордени соҳиб

Айниқса, асосий қомусимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ва билдираётган тақдирлар Конституциямизнинг ҳалқчил бўлишида, инсон қадрини янада улуғлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш

2022 йилнинг август ойи ҳолатига кўра, вилоятда 47 та кооперация ишга туширилиб, уларда 921 та доимий иш ўрни яратилди. Шунингдек, 6 минг 951 та хонадонда 8 минг 597 нафар аҳоли, шундан 7 минг 395 нафар аёл кооперациялар фаолиятига жалб этилди.

ўринлики, кейинги вақтда устувор сиёсат даражасига кўтарилган камбағалликни қисқартириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ишларига ниҳоятда катта эътибор қаратилмоқда. Худудларда «маҳаллабай», «хонадонбай» тизими орқали аҳоли даромадларини ошириш, бандлигини таъминлаш, субсидиялар орқали ўзини ўзи банд қилиш йўлидаги савий-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Ислохотларнинг мантӣқий давомий сифатида бугунги кунда касаба уюшмалари томонидан хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш, уларга кўмак кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, энг асосийси, «Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз, доимий даромадга эга бўлмаган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида мисли кўрилмаган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2022 йилнинг август ойи ҳолатига

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!

Бу йил байрам шодиёналари «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» эзгу ғояси остида нишонланади. Бу мамлакатимизда инсон қадр-қимматини улуғлаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашларига алоҳида эътибор қаратилаётганининг яна бир тасдиғидир.

ИСТИҚЛОЛ СОЛНОМАСИНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

кўра, вилоятда 47 та кооперация ишга туширилиб, уларда 921 та доимий иш ўрни яратилди. Шунингдек, 6 минг 951 та хонадонда 8 минг 597 нафар аҳоли, шундан 7 минг 395 нафар аёл кооперациялар фаолиятига жалб этилди. Биргина Риштон туманидаги «ММ Porcelain» МЧЖ, «Ҳайдаров Саҳобилло» оилавий корхонаси, «Keramik Product Roshidon» хусусий корхонаси ва «Расулов Суҳроб Мўминжонович» оилавий корхоналаридаги кооперация лойиҳаларида 640 нафар

каби ишлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида янада кенг қўлоч ёймоқда.

Бугун биз эришган ва эришажак юксак марралар, озод ва обод Ватанимиз манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидандир. Шундай экан, азиз элимизда, Янги Ўзбекистонимизда инсонни улуғлашни янада юқори босқичга олиб чиқиш борасидаги улуғвор ишларимизни халқимиз билан биргаликда бундан буён ҳам амалга оширишда давом этамиз. Зеро, озод ва обод, эркин ва фаровон Ватанда яшаш ва унга хизмат қилиш барчамизнинг пировард мақсадимиздир.




хотин-қизнинг қўлоқчилик йўналишида бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, Бағдод туманида «Gulnora bodomlari» ишлаб чиқариш корхонасида, «ZOLOTAYA DOLINA» МЧЖда 525 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Бу

Наманган вилояти

Зарурий вазифалар белгиланди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш мақсадида «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»нинг йўлга қўйилиши аини мўддао бўлди.



2021 йилда икки босқичда «Аёллар дафтари» жорий қилиниб, унга вилоят бўйича 71 минг 454 нафар хотин-қиз киритилди ва уларнинг барчасига амалий ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилда ҳам ушбу хайрли ишларни давом эттириш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан ишлашни тизимли ва самарали ташкил этиш мақсадида Наманганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кен-

гаши раиси Фарҳод Хананияев ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари Динара Якубовалар иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда «Аёллар дафтари» учинчи босқичда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди. 8 та туман ҳокими ўринбосари, 450 та маҳаллада фаолият олиб бораётган хотин-қизлар фаоллари ҳамда туманларга бириктирилган 28 нафар масъул шахс иштирок этган тадбирда барча иштирокчилар учун галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Жиззах вилоятининг Арнасой туманида аёлларнинг муаммоларини ҳал этишда ўзининг фидокорона меҳнати билан барчага намуна кўрсатаётган масъулларни муносиб рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» республика кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда тумандаги 13 та маҳалладан фаоллар фаолиятига баҳо берилди.

Кўрик-танлов



ЭНГ ЯХШИ ФАОЛЛАР АНИҚЛАНДИ

Республикаимиз бўйлаб уй-жой таъмири, ҳуқуқий ёрдам, психологик маслаҳатга муҳтож, боқувчисини йўқотган, нотурар жойда истиқомат қилаётган, қарамогиди ногирон фарзандлари бор ёлғиз аёллар рўйхатини шакллантириш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунда маҳалла фаолларидан уйма-уй кириб, ҳар бир оила ҳолидан хабардор бўлиши талаб этилди. Бугун ушбу савий-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар берилган амалий кўмаклар туфайли ҳаётини изга солди, касб-ҳунар эгаллади, доимий даромад манбаи эгасига айланди.

Танлов иштирокчилари ўз фаолиятлари бўйича таҳлилий ва статистик маълумотнома, амалга оширилган ишлар фотоальбому, фаолиятдан видеороликлар тайёрлаш шартлари бўйича беллашишди. Ҳакамлар ҳайъати қатнашчиларнинг нутқ ва сўз маданиятига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Якуний натижаларга кўра, «Чинобод» МФЙ хотин-қизлар фаоли Маҳбуба Суюндиқова биринчи ўринга муносиб кўрилди. «Чўлқувар» МФЙ хотин-қизлар фаоли Зулфия Бердиева иккинчи, «Бахтли» МФЙ хотин-қизлар фаоли Дилафрўз Усмонова эса учинчи ўринни эгаллади.

– Маҳаллада ишлаш фи-

дойиликни талаб этади. Қилган меҳнатларим эътироф топаётганидан хурсандман, – дейди Маҳбуба Суюндиқова. – Жамиятимизда аёлларнинг муаммоларига ечим топиш асосий вазифа саналади. «Аёллар дафтари», «Темир дафтар»га киритилган хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилиши ишсизлик даражаси пасайишига хизмат қилди. Ўз тадбиркорлигини моддий етишмовчилик сабаб йўлга қўя олмаётган опа-сингилларимиз бугун ишлаб чиқариш субъектларини очиб, янги иш ўринларини ҳам яратишяпти.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

МЕТОДИСТ МУРОЖААТДА АДАШМАДИ

Шаҳрисабз шаҳридаги 19-мактабгача таълим ташкилотида методист бўлиб ишлайдиган Муниса Ботировага иш берувчи бошқа вазифа тақдир қилди. Ботирова ўз жойида қолмоқчилигини билдиргач, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Ишсиз қолган Муниса Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгашига мурожаат қилди. Кенгаш раиси ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, унинг қонунга зид равишда ишдан бўшатилганига ишонч ҳосил

қилди ҳамда МТТ мудираси номига тақдимнома киритди. Бироқ мудири тақдимномани жавобсиз қолдирди.

Начора, иш судга оширилди. Фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судида иш бе-

рувчи Муниса Ботировани фойриқонуний тарзда ишдан бўшатгани исботини топди. Ишга тикланган ходимага бекор юрган даври учун 1 миллион 840 минг 572 сўм иш ҳақи ҳамда 1 миллион сўм маънавий зарар пули ундириб берилди.

– Касаба уюшмасидан миннатдорман. Ҳуқуқларим тикланди. Айни пайтда ўз ишимни давом эттиряпман, – дейди Муниса Ботирова.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»



Ҳуқуқ



Эътибордан диллар мунаввар

Август ойининг биринчи якшанбаси мамлакатимизда темирйўл транспорти ходимлари кўни сифатида нишонланади. Шу муносабат билан Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда тизимдаги барча корхона ташкилотларнинг касаба уюшма қўмиталари турли тадбирлар ташкил этди.

– Темир йўл соҳасида эришилаётган ҳар бир муваффақият замирида шу соҳада фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларнинг залворли меҳнати

муҳассам, – дейди Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қ.Собиров. – Касб байрами муноса-

бати билан кўплаб темирйўлчилар рағбатлантирилди. Соҳа фахрийлари ва фидойилари фахрий ёрлик, пул мукофоти ва эсдалик совғаси билан тақдирланди. Шунингдек, ташкилотлар томонидан жойларда озиқ-овқат ва кийим-кечак ярмаркалари, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этилди. Илғор ходимлар ҳамда меҳнат фахрийлари учун савҳатлар уюштирилди.

Назозат НУРМАТОВА

Сана

Долзарб мавзу

АВЛОДЛАР ризқига чанг солмайлик

Яқинда эълон қилинган «Ер ости чуқук сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори лойиҳасида 7 вилоятдаги баъзи ҳудудларда ер ости чуқук сувларига қудуқ бургулаш ва сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича мораторий жорий этилиши кўзда тутилган.

Ҳа, бу бежиз эмас, албатта. Қургўқчиликнинг йил сайин шиддатли тус олаётгани боис сувга бўлган талаб кескин ошиб кетди. Самарқанд вилоятида ҳам тоғ ва тоғолди ҳудудларида кўп-лаб булоқлар қурган, борлари эса маҳаллий ҳокимликлар қарори билан фуқароларнинг хусусий мулкига айлантирилган. Нурота тоғ тизмасига кирувчи Оқтовда расмий ҳуқуққа эга булоқ соҳиблари оз эмас. Лалмикор Кўшработ туманида ҳам аҳвол шу.

— Илгарилари бутун қишлоқ бир жилгадан сув ичиб, битта ҳовуз сувидан экин-тикин қиларди, — дейди кўшработлик Шакарбой Эшбеков. — Ҳокимликларнинг рухсати билан булоқларга эга бўлганлар сувни елим қувурларга солиб, тортиб кетишди. Жилгалар қолмади. Сув чиқади-ган минглаб кўзалар қуриб, наботот олаими катта зиён етди. Одамлар ер қаъридан сув тортиб, тирикчиликнинг анги манбаини ахтаришга тушди...

Бир қатор қишлоқлар аҳлининг айтишича, туманда ер ости сувлари сатҳи 5 метрдан 25 метргача тушиб кетган. Сув истеъмолчилари сағиға фермер хўжаликлари қўшилган, сув янада тезроқ пастлаб бошлади.

— Илгари қишлоқни биттагина чашма сув билан таъминларди, — дейди Ҳовуғчи қишлоғида яшовчи Ш.Отакулов. — У қуригач, одамлар қудуқдан фойдалана бошлади. Фермерларнинг қақроқ ерларни ўзлаштириши бошлангандан сўнг қудуқларимиз ҳам сув бермай қўйди. Тирик жонмиз-да, сув янада чуқурроқдан кавлаб олина бошланди. Энди ундаги сув сатҳи ҳам ўйнаб турибди.

Шу атрофдаги «Ниҳол майса-зори» фермер хўжалиги далаларини кўздан кечиришимиз. Субсидия асосида 30 гектар майдонда ток экиб, қўқартирган миришкорларнинг ҳам кайфияти жойида эмас. Сабаби — айна ҳосилга кирган тоқзорнинг катта қисми

қовжираб қолган. Аномал иссиқ тоқларнинг тинка-мадорини қуришиб қўйган. Деҳқонларнинг айтишича, томчилатиб сугориш — ток қаламчаларини ўтқазиш ва қўқартириб олишгагина асқотаяткан экан. Энг ачинарлиси, катта сарф-харажат талаб қиладиган томчилатиб сугоришга мўлжалланган елим шланглар тезда ишдан чиқар экан. Ёндош ҳудуддаги 182 гектар майдонда деҳқончилик қиладиган «Жамол Исмоил боғлари» фермер хўжалиги жамоасига қарашли дала сародаги бўстонни эслатади. Наманган вилоятидан келган 5 та оила вақиллари 5 гектардан ер олиб, ҳақ тўлашнинг 50х50 фоиз услубида қовун-тарвуз экишган.

— Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг турли туманларида деҳқончилик қилиб кўрганмиз, — дейди наманганлик меҳмон деҳқонлардан бири. — Аммо бу ерда сув сарфи бениҳоя кўп. Ер қумоқ. Полиэтилен сувни бошқа ҳудудлардагидан кўра 5-6 маротаба кўп талаб қиларкан. Қолаверса, қанча уринмайлик, пишиб етилган ҳосил майда. Шу чоққача ҳар бир оила 60 миллион сўм атрофида сарф-харажат қилди. Сув артезиандан олингани боис электр энергиясига кўп пул сарфляпмиз.

Фермер хўжалигига қарашли ерни қўланиб қолишдан сақлаш учун 9 та артезиан қудуғи тунуқни ишлатилган. Акс ҳолда, шунча меҳнат ҳавога учадди.

Фермер хўжаликлари тасарруфидagi битта артезиан қудуғи қишлоқлардаги 10-15 хонадон истеъмол учун чиқариб олаётган сув ҳажмидан ҳам ўн чандон кўп. Вилоят кенгаши сессияларининг бирида соҳа мутасаддиси Кўшработ туманида айна чоғда 7 минг гектар, 2023 йилда эса 10 минг гектар майдондаги тоқзор ҳосил бериши, 15 минг одам иш билан таъминланишини айтган эди. Хўш бу майдонларни сугориш учун қанча артезиан қудуқлардан фойдаланилган? Бир пайтлари 24-35 км² ташкил этган табиий ер ости сув ресурсларимизнинг айна чоғдаги миқдори, қуввати қанча? Умуман, қудуқ қазиш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ қатор саволларга жавоб излаб «Ўзбекидгидрогеология» ДУКа қарашли Зарафшон гидрогеология станциясида бўлди.

— Кўшработ туманида субсидия асосида фаволят юриятаётган 30-40 та фермер хўжалигига ар-

тезиан қудуқлар қазишга рухсат берганмиз, — дейди Зарафшон гидрогеология станцияси бошлиғи Баҳодир Сайфиддинов. — Артезиан қудуқлар оралигидаги масофа 300 метрдан кам бўлмаслиги керак. Туманда қанча қудуқ борлиғи ҳақида бизда бошқа ҳисоб йўқ.

Тизим мутасаддиларининг айтишича, 35 гектар майдонни артезиан қудуқлари орқали сугоришга рухсат берилган. 2021 йилда бу тартиб ўзгартирилиб, ҳар 10 гектар майдонга 1 та чуқур қудуқ қазишга рухсат бўлганди. Шундан сўнг ер остига «хўжум» бошланган эмиш. Шу идорага хизмат сафари билан келган Давлат геология қўмитаси рухсат бериш тартиб-тамоийлари бўлими бош мутахассиси Аслиддин Алимов билан мулоқот қилдик.

— Кейинги йилларда қўлбола бургулаш ускуналар билан қудуқ қазиш авж олиб кетди, — дейди у. — Аслини олганда, бургу қудуғини қазиш учун гидрохулоас олиниши лозим. Унда ер ости сув миқдори, захираси, қанча масофагача қазиш мумкинлиги хусусидаги маълумотлар тақдим этилади. Сув сатҳининг тушиб кетишига ўзимиз сабаби.

Осмонга булут чиққанида шодланганидан дўпписини осмонга отадиган кўшработликларга осон эмас. Даштиқлар сувнинг қадрини яхши англайди. Бир туپ ниҳолини челақлаб сугориб келган халқ.

— Бизда экин саралаб экилади, — дейди Эсиргап Эгамов. — Торморкага энг зарур, рўзғорда кунда ишлатиладиган маҳсулот уруғини қадаимиз. Қудуқлар ҳуда-бехуда ишга тушмайди. Катта электр энергияси талаб этадиган қудуқларни пайдар-пай ишлатишга ҳамма-нинг ҳам чўнтағи кўтаравермайди. Бизга ичимлик сув ва заруратга лойиқ сув бўлса, кифоя.

Сув — ҳаёт-мамонт масаласи. Бугунги ўйлаб, сувни меъёридан ортқ ишлатиш тўғри бўлармикан? Оқибати ўйланмай қилинган ишлар, қуриб қақшаб қолган боғ-роғлар Кўшработда оз эмас. Мавжуд 39 минг гектар ердан халқ билан бамаслаҳат фойдаланса бўлмайди? Бунинг учун эса одамлар орасига кириш керак. Ҳудуд муаммоси соя-салқинда ўтириб ҳал қилинмайди!

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Эшик тўғмаси босилиб, қўлида ускуна билан икки киши кўринади. Ва энг яқин танишларингиздан бирини айтиб, сувни филтрлаш механизми ҳақида икки оғиз гаплашиш истагини билдиради. Қарабсизки, сўхбат анчага чўзилиб, шу кунгача «нотоза» сув ичганингизга пушаймонлар бўласиз. Ёки қўл телефонингиз мусиқа чалади, «алло» дейишингиз билан гўшақни қўймаслигингиз учун тоза сув истеъмоли зарурлигини ва дўсту биродарларингиз уйидаги «раковина»да филтрлаш мосламасидан унумли фойдаланаётганини эслатишади. Кейин ушбу зорманданинг нархини эшитиб, тилингиз сал каловланиб қолади. Тадбиркор барибир тадбиркор-да, сиз учун кредит ўсулини ҳам ўйлаб қўйган. Фақат маблағ бир йил давомида бўлиб тўлангани эвазига анча-мунча фоиз қўшилишини эшитиб, яна маошингиз миқдори-ю ўй ёки машинангиздаги қолдиқ кредитлар ҳақида ўйга толасиз. Хуллас, сиз харидор бўлсангиз ҳам, бўлмасангиз ҳам телефонингиздаги контакт рақамлардан 20 тасини ёзиб беришни сўрашади...

Хар бир соҳага инновацион янгиликлар, рақамлаштирилган технологиялар кириб келмоқда. Ҳатто кўп қаватли уйларда сувга (кувурга) филтрли насос ўрнатиш урфа айланди.

Тўғри, ичимлик сув филтрлари сувни тозалайди. Мутахассисларнинг фикрича, сув филтри икки хил тизимга эга ва улар сувдан ифлослантирувчи моддаларни бошқа-бошқа йўл билан чиқаради. Биринчиси, катта иморатлар, офислар ва коттежлар учун қулай, яъни тескари осмоз мембранаси ёрдамида тоза ичимлик сувни таъминлайди. Бу мосламалар хонадонлар учун мос келавермайди. Аслида, кўп қаватли уйларга марказий тозалаш тизимидан филтрланган сув келади, аммо унда қувурларнинг занги ёки хлорли тузлар аралашмаси ҳам учрайди. Бу сувнинг фойдаси ҳам, зарари ҳам йўқ, дейиш мумкин. Шунинг учун кўпчилик қайнатилган сув ичишни афзал кўради. Бироқ, 100 градусли иссиқда кўплаб табиий моддалар ҳам йўқ бўлиб кетади. Олгир тадбиркорлар айтмоқчи бўлган тавсия ҳам шу ва бу фикрга қўшилувчилар, қизиқувчилар кўп учрайди.

Акчабоғ механизми сувни филтрлашдаги иккинчи усул саналади. Аслида, ушбу усулда тозаланган сув саломатликка ҳақиқатан ҳам фойдалими? Мослама сувни қай тарзда тозалайди?

Интернетда бир қанча эълонларга дуч келасиз. Реклама берувчиларнинг мақтовларини ўқиб, маҳсулотни сотиб олсангиз, бедаво дардлардан ҳам фориғ бўлишга «амин бўласиз».

Масалан, «Хонадонлар учун 7 босқичли сув филтри: комплектида 12 литрлик сув йиғиладиган бочкаси ва крапик бор. Сув филтрлайди ва минераллар билан бойиштади». «Бизнинг сув филтрларимиз билан иммунитет ошши, буйрак тозаланиши, қон ва лимфа тозаланиши, нормаллаштирилган метаболизм, токсинлардан қутулишга эришасиз». «Хонадоннинг сув учун сув филтри, Сувни барча ифлослантирувчи моддаларини (эриган ноорганик ва органик бирикмалар, оғир металллар) дан тозалаб беради. Радиоактив моддалар, ёқимсиз ҳидлар, бактериялар, вируслар, микроорганизмлардан тозалайди. Сувга аjoyиб таъми берилади. Ассосийси соғлигингиз учун фойдали».

Имловий хатолари кўп бу эълонларни ўқиб, нархлар билан қизиққан киши икки-лаш қилиши мумкин. Чунки уй учун насос филтрлар 2 миллион сўмдан 28-30 миллион сўмгача бўлган нархларда савдо дўконларида ҳамда турли сайтларда учрайди.

Баъзан нархи қиммат мосламанинг рекламасига ишониб, уни харид қилиб, кейин қайтариб беришга шомилган кишиларни учратиш мумкин. Шу ўринда ҳар биримиз энг аввало, истеъмолчи сифатидаги

ҳақ-ҳуқуқларимизни билишимиз лозим. «Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига биноан, истеъмолчи маббул сифатли товарни харид қилганда (агар товардан фойдаланмаган, у шикастланмаган, истеъмол хусусияти сақланган бўлса) айнан шундай товарга 10 кун муддат ичида алмаштиришга ёки пулини қайтариб олишга ҳақли. Бироқ...

— Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат мавжуд, унга киритилган элетротехникаларнинг бир қисми сотилган-

— Инсон ёши кексайгани сари 55 фоизгача сувсизланиш ҳамда организмдаги қуриш ҳолати сувга эҳтиёжни оширади, — дейди умумий амалиёт шифокори Дилобар Бақоева. — Ақлий ва жисмоний меҳнат қиладиган кишилар учун тоза сув истеъмоли кун давомида қувноқлик ва тетиклик бахш этади. Фаоллаштирилган кўмир моддаси кўпгина зарарли моддаларни ўзлаштиргани сабабли тоза ичимлик суви учун ҳам қўланилади. Шу билан бирга, инсон организмининг тозалашда дунёдаги энг қадимий ва оммавий услублардан бири саналади. Аммо уни ичга қабул қилишда катталар ва болалар учун дозаси ва бошқа элементлар билан бирлашгандаги таъсири ҳам мавжуд.

Этибор беринг, фаоллаштирилган кўмир у билан бирга бир вақтда қабул қилинадиган дори препаратларининг самарадорлигини пасайтиради. Меъда ва 12 бармоқли ичка яраси касаллиги бор кишиларга препарат тавсия этилмайди. Насос филтрларда сорбцион вазифасини ўтаётган кўмир моддаси намликда ўз хусусиятини пасайтиради. У сувдаги зарарли моддаларни йўқ қилиш билан бирга, тирик элементларни, минерал витаминларни, гидрокарбонат ва манге каби организм учун фойдали моддалар сўрилишини сустлаштиради. Демак, уйда ўрнатилган филтр мослама узоқ муддат давомида туриши мақсадга мувофиқ эмас. Мутахассислар эса уни доимий фойдаланиш учун ўрнатишади.

Уй шароитида ҳам сувни тозалаш мумкин. Яъни тиббиёт пахтаси бирор идишга қопқоқ ўрнига мослаштириб, устидан сув оқизиб қўйилади. Мана шу тарзда кун давомида ичимлик сувини бемайл филтрласа бўлади. Фаоллаштирилган углевод ёрдамида сувни тозалаш учун уй шароитида тайёрланган филтрни мато ёки докадан ўтказиш ҳам яхши самара беради. Тўғри, бундай филтрни узоқ вақт давомида ишлатиш мумкин эмас, уни бир неча кундан кейин алмаштириш керак. Қумуш таркибидagi ионлар сувни фаол равишда тозалайди. Энг муҳими шуки, филтрли кўзалар арзон нархларда сотувларда бисёр.

Аваллари сувни тозалаш учун ускуналардан эмас, қумуш плиталар ёки идишлардан фойдаланилган экан. Бу усулни баъзилар ҳанузгача ишлатишади. Кундалик шароитида шифокор тавсия этганидек, сувни филтрласак ҳам бўлади. Энг муҳими, бизда тоза сув истеъмоли учун шарт-шароит етарли, тириклик сабаби бўлган обихоага муҳтож эмаслигимиз катта неъматдир. Бу — бизнинг бахтимиз. Буни қадрлашимиз керак!

Шоира
БОЙМУРОДОВА,
журналист



Қашқадарё
вилояти

Оғир паллада елка тутмоқ — дўстинг иши. «Деҳқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти қўриқлаш хизмати ходимаси Матлуба Амиркулова юрак хасталиғи сабаб жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлди. Аёлнинг руҳий ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас. Ана шундай хавотирли дамда унга завод касба уюшма қўмитаси раиси Норсаид Кўчкинов даъват бўлди. У заво ва касба уюшма қўмитаси маблағлари ҳисобидан ходимнинг даволаниши учун маблағ ажратилганини айтди. Қолган жамоадошлари ҳам умидбахш ҳоллар билан Матлубанинг кўнгилни кўтарди...

Айни пайтда Матлуба жарроҳлик амалиёти ва даволаш муолажаларидан сўнг ишга қайтган. Дардини енгилда унга яхши инсонлар меҳри қўшқанот бўлди, ирода, куч бахш этди. Ҳудди шундай жарроҳлик амалиётини заводнинг сув таъминоти ва канализация цехи ходимлари Бойсун Улашев ҳамда Эшқул Шукуров ҳам бошдан ўтказишди. Табиийки, уларга ҳам завод ва касба уюшма қўмитаси моддий ёрдам ажратди. Бугун уларнинг ҳар иккиси ҳам шифо топиб, ўз ишини давом эттирмоқда.

2015 нафар ходим ишлайдиган жамоада ишчанлик руҳи ҳукмрон. Иш берувчи ва касба уюшма қўмитаси ўртасидаги ижтимоий шериклик, жамоа шартномаси бандларининг амалдаги ижроси бунга замин бўлаётир.

Калий заводида ишлаш осонми?

Жумладан, жамоа шартномасига асосан, жорий йилнинг биринчи ярмида заводда ишлаб, пенсияга чиққан 13 нафар фаврий ходим корхона қошидаги соғломлаштириш марказида бепул муолажа олди. 100 нафардан ошқик ходим иш ҳақи сақланган ҳолда ушбу марказда даволаниб чиқди. 7 нафар пенсионер Фарғонадаги «Боғи-шамол» сохатгоҳида имтиёзли асосда ҳордиқ чиқарди.

Шунингдек, байналмилал жангчилар, афгон уруши қатнашчилари — калийли ўғит ишлаб чиқариш цехи оператори Саломат Ботмиров, қўриқлаш хизмати катта қўриқчиси Уктам Эшмамовга соғлигини тиклаш учун санаторийга бепул йўлланма берилди.

Этиборлиси, касба уюшма қўмитаси томонидан олти ой давомида ходимларнинг ижтимоий ҳимояси учун 65 миллион сўмдан ортқик моддий ёрдам ажратилди.

Завод тасарруфидagi «Ёш кимёгар» болалар оромгоҳи 1967 йили қурилган. Оромгоҳ анчагина таъмирталаб бўлиб қолган. Жорий йилда иккита ётоқ биноси, «Маънавият ва маърифат хонаси»нинг том қисми янгиланди. Қолган биноларда ҳам жорий таъмирлаш, пардозлаш ишлари олиб борилди. Натижада корхона ишчи-ҳодимларининг 645 нафар фарзанди, оилавий болалар уйларида 24 нафар ўғил-қиз у ерда ёзни мароқли ўтказишди. Оромгоҳ қутубхонасига 200 та китоб совға қилинди. Болажонларга ширин-шакар шарбатлар тайёрлаб бериш учун 500 кг. мева қоқи-лари олиб берилди.

Завод ҳоҳишдаги «Жажжи кимёгар» мактаб-

гача таълим ташкилотида эса ишчи-меҳнаткашларнинг кичик ёшли дилбандлари тарбия олишади.

40 та оилага мўлжалланган оилавий ётоқхона, 100 нафар ходим яшайдиган умумий ётоқ мажмуаси, 20 та оила яшаш имкониятига эга бўлган коттеж уйлари, ободлиги ҳам доимий касба уюшма қўмитаси Назоратида. «Ишчилар шаҳарчаси»да, шунингдек, замонавий футбол майдончаси, 5000 та китоб фондига эга кутубхона, тиббий пункт жойлашган бўлиб, бу муассасалар фаолиятида ҳам касба уюшма қўмитасининг муҳим ўрни бор.

Заводда ёшлар билан ишлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ёшлар масалалари бўйича бошқарув раиси маслаҳатчиси Сўхроб Абдусаломов, касба уюшма қўмитаси қошидаги ёшлар билан ишлаш доимий комиссияси раиси Равшан Тошматов ҳамда касбақўм етакчиси Норсаид Кўчкиновнинг ҳамфикр, ҳаммаслақ экани ҳодимларга қўл келаётир. Масалан, Ёшлар кўни муносабати билан «Ёш кимёгар» оромгоҳида форум ташкил этилди.

Бир неча спорт турлари бўйича қизиқарли мусобақалар, ҳар хил интеллектуал ўйинлар, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, уларда фаол қатнашган йигит-қизлар касба уюшма қўмитаси томонидан муносиб тақдирланди. Энг асосийси, деҳқонободлик ёшлар уч кун давомида Яккабоғ туманининг Кенгузар қишлоғидаги сўлим табиатдан баҳра олиб, мириқиб ҳордиқ чиқардилар. Бундан ташқари, Ёшлар кўни арафасида 100 нафар ёш мутахассисга Қарши шаҳрида бўлиб



ўтган Бунёдбек Саидов ҳамда Ҳамдам Собиров концерт дастурларига чипталар харид қилинди. Айни кунларда эса завод маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллик байрамини кенг ишонлашга пухта ҳозирлик қўришмоқда. Иш берувчи ва касба уюшма қўмитаси ўртасида қўшма қарор қабул қилиниб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, спорт мусобақалари ўтказиш белгиланган. «Компьютерда тез ва хатосиз ёзаман» танлови, «Ватанимни мадҳ этаман!» иншолар кўриги каби тадбирлар эса ёшларни мудом ўз устида ишлашга, завод ва жамоат ишларида фаол бўлишга ундайди.

Бундан ташқари, улуг ва азиз байрамимиз

арафасида 50 кишининг Тошкент вилоятига экотуризм саёҳати режалаштирилган...

Мухтасар айтганда, «Деҳқонобод калий заводи» АЖда инсон қадрига эътибор юксак. Ходимларнинг меҳнатига яраша рағбатлантириш, муносиб дам олдириш, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича яхши анъаналар шаклланган. Бу корхона соҳияятининг йилдан-йилга ошиб боришига, ишлаб чиқариш сифати ва қудратининг юксалишига ҳисса қўшаётир.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»



ҲЕЧ КИМ КАФОЛАТ БЕРОЛМАЙДИ

ёхуд ҳомиладорлар дори ичиши мумкин эмас(ми?)



Яқинда қабулимга 25 ёшлар чамасидаги келинчак келди. Унинг ранглари оқариб кетганди. Қўлидаги таҳлил натижаларида унда камқонликнинг оғир даражаси аниқлангани қайд этилган.

– Шунча дори ичсам ҳам аҳволим ўнганмаяпти, – деди у ҳорғин оҳангда.
– Нонуштага нима едингиз? – деб сўрадим ундан.
– Битта тухум.
– Кеча кечкурун-чи?

Келинчак гуруч қайнатиб, қатиққа аралаштириб ичганини айтди. Ҳаммаси аён – бундай шароитда унинг аҳволи ўнганмайди. УТТ хулосасини кўздан кечириб: ҳомиладорликнинг бешинчи ойи. Кўшимча текширув жараёнида камқонлик темир етишмовчилигига боглиқ эмаслиги маълум бўлди. Келинчак эса темир препаратлари қабул қилган.

– Сизга дориларни қайси врач тавсия этди?

– Врач эмас, ўзим дорихоначидан сўраб олдим.

Бу кўпчиликка хос одат. Кейинги пайтларда халқимиз орасида дори-дармонларга ружу қўйиш ҳолатлари кўп кузатиляпти. Дори воситаларининг эса тури кўп. Уларни ҳар қадамда учрайдиган дорихонадан сотиб олиб, истеъмол қилиш муаммо эмас. Боши салгина оғриган ҳам, йўталган ҳам, ўзини ноҳуш сезган ҳам дарҳол дорихонага юғради. Сотувчи эса ўзига маъқул дорини мижози қўлига тутқазиб юбораверади. Дори фойда қилса, бемор «шифокор»га айланади, ҳамма танишларига тавсия қилади. Наф сезмаса, дорилар сифатсиз бўлиб кетганидан нолийди.

Ваҳоланки, ҳар қандай дори-дармонни, албатта, шифокор кўригидан ўтиб ва мутахассис тавсияси асосида қабул қилиш керак. Аввало, биз, касаллик сабаблари билан курашамиз. Улар бар-тароф этилмаса, ҳар қанча дори-дармон қабул қилган билан хасталик тузалмайди, аксинча, дардга дард қўшилади. Айниқса, ҳомиладорлик даврида би-

рорта ҳам дорини шифокор рухсатисиз қабул қилмаслик керак.

Статистик маълумотларга кўра, ҳомиладорларнинг деярли 69 фоизи ички аъзолар касалликларидан азият чекмоқда, 48 фоиз аёлларда эса камқонлик кузатишмоқда. Қолаверса, аёлларнинг 80 фоизидан ортиги ҳомиладорлик даврида бир неча дори-дармон қабул қилади. Ана шунинг оқибатида 10-18 фоиз ҳолатларда болалар бир ёки бир неча ривожланиш аномалиялари билан туғилмоқда.

Мутахассислар туғилажак «янги меҳмонлар»нинг учдан бирида салбий реакциялар кузатилиши мумкинлигини ҳавотирда. Баъзи манбаларда ҳомиладор аёллар витамин ва темир препаратларидан ташқари тўрт хил дори-дармон қабул қилаётгани айтилган. Ваҳоланки, ҳеч бир мутахассис «Манави дори ҳомилага ноҳўя таъсир қилмайди», деб кафолат беролмайди. Ҳатто темир препаратлари ҳам FDA (Food and Drug Administration) бўйича хавфсиз гуруҳга кирмайди, улар нафақат ҳомиладорларда, балки барчада ошқозон-ичак муаммоларини келтириб чиқариши мумкин.

Таҳлилларга кўра, туғма нуқсонларнинг 10 фоизи хромосом ва генетик нуқсонлар туфайли келиб чиқса, 1 фоизи дорилар сабабли ривожланади. Охириги пайтлар перинатал интенсив терапия бўлимларига ярали некротик энтероклит таъсири билан чақалоқлар қабул қилинмоқда. Уларнинг 62-94 фоизи етилмаган гўдаклардир. Ҳомиладор аёлнинг антибактериал воситаларини истеъмол қилиши ҳомиладаги ичак ички қаватининг майда тўқчалари емирилишига сабаб бўлмоқда. Натижада чақалоқ туғилганидан сўнг ичак-

ларда яралар ҳосил бўлишидек аянчли ҳолатлар ҳам учраб турибди. Ҳомиладорликда қўлланилаётган дори воситалари келажақда болага эмбриотоксик, тератоген ва фетотоксик ноҳўя таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу боис биз ҳомиладорликнинг биринчи уч ойида антибиотиклар қабул қилишни мутлақо тақиқлаймиз. Аҳвол жуда жиддий бўлган тақдирдагина, тавсия қиламиз. Аммо кейинги пайтларда нафақат ҳомиладорлар, жуда кўпчилик салгина шамолласа ҳам кучли антибиотиклар қабул қилиши кузатиляпти. Йиллар синовидан ўтган «пенициллин», «ампициллин» каби дориларни ҳозир ҳеч ким истеъмол қилмайди. Сабаби, улар секин таъсир кўрсатади. Биз эса бир кунда яхши бўлишни истаймиз ва энг кучли антибиотиклардан фойдаланишга шошиламиз. Оқибати маълум. Ҳомиладор аёл кучли антибиотикларни қабул қилса, кейинчалик чақалоқнинг иммун тизими заифлашади, устига-устак, кейинчалик унча-мунча антибиотик таъсир қилмайдиган бўлади. Натижада чақалоқ кўп касалланади ва нимжон бўлиб воёга етади.

Маълумки, тиббиётда барча дори-дармонлар гуруҳларга ажратилган. Улардан бири «Фуфломицин» туркумидир. Бу илмий текширувлар билан исботланмаган, тиббиёт принципларига жавоб бермайдиган, самараси ўрганилмаган, аммо муомалада кўп учрайдиган препаратлар гуруҳидир. Уларни ҳар қанча қабул қилсангиз ҳам, самарасини сезмайсиз. Ушбу туркумга кирувчи дорилар биз билганимиздан ҳам кўп бўлиши мумкин. Шу боис шифокорларимиз ҳомиладорлик даврида аёл қандай дори воситаларини ва нима учун, қай муддатда истеъмол қилгани бўйича тўлиқ маълумотларни йиғиб беришлари зарур.

Ҳомилага, яъни туғилаётган чақалоққа дори воситаларининг биронтаси ҳам 100 фоиз потенциал хавфсиз, деб бўлмайди. Уларнинг ноҳўя таъсири олдини олиш мақсадида препаратни фақат ҳомиладорлик даврида белгиланган хавфсизлиги ва метаболизмини билган ҳолда ишлатиш керак. Шифокор дори воситасини тайинлашда ҳомиладорлик даврини ҳисобга олиши даркор. Тавсия қилинаётган дори-дармонларнинг фойдаси кўпроқ, ноҳўя таъсири камроқ бўлишига эътибор қаратиш зарур. Ҳомиладор аёлларга янги дори воситаларини тавсия қилишдан тийилган маъқул.

Албатта, дори-дармонларнинг ҳомиладорига ва ҳомилага таъсирини нафақат шифокорлар, балки бошқалар ҳам яхши англаб етсаларгина, ноҳўя таъсирларнинг олдини олиш мумкин.

Саломат МАТЯҚУБОВА,

Хоразм вилояти перинатал маркази директори, тиббиёт фанлари доктори

Наманган вилояти

Мушоҳада

Бугун телеэкранларда, клипларда, ижтимоий тармоқларда қилпиллаб хиром айлаётган «эркак»лар, устига аёлнинг кийимини кийволиб, лабини, кўзини бўйаб, тўйларда нағма қилаётган эркак отлиқ таъвияларни кўраверганимиздан бора-бора асл эр йигит қиёфасини унутиб қўймоқдамиз.

Хиром айлаётган «ЭРКАК»лар

Замоннинг зайли билан ижтимоий тармоқларда профил очиб олиб, бачкана қилиқлари билан одамларни жалб қилиб, ўзларини тили билан айтганда, «просмотрчи-лари» сонини миллионга етказиб, шу орқали жарақ-жарақ пул топаётган «тик-токчи», «вайнчи» ўзбек «йигит»ларининг фаолиятини кузатиб, шунга амин бўлдимки, таъбир жоиз бўлса, улар жамиятимиз миёсига тушган қуртлар.

Жинси эркак бўла туриб, экранда шиқинглаб, сузилиб кўриниб бериб, ҳар бир чиқишида аёлсифатларнинг ҳатти-ҳаракатини тарғиб қилса ва бунини миллионлаб ёшлар онига сингдириб турса... Кун келиб, бизнинг заминда ҳам аросатда қолган жинслилар ўз ҳақ-ҳуқуқини сўраб, «байроқ» кўтариб чиқмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди...

Энг ачинарлиси, актёрликка ўқимаган, ҳеч қандай билим-савияга эга бўлмаган, биргина матоҳи қўлидаги телефон орқали ижтимоий тармоқларда «ётволиб», маданиятсизлик ва бачканаликни тарғиб қилаётган бу «йигит»лар олий маълумотли инсонлардан ўн баробар кўпроқ пул топаётганини билган ёш-яланг борки, ўзини шу «соҳага» урмоқда.

Бугун ҳақиқий эркак қиёфасидаги актёрларимиз четда қолиб, экранларни мана шундай аёлсифатлар босиб кетаётганидан ҳавотирга тушасан киши. Аммо, афсуски, уларни қўллаб-қувватлаётганлар ҳам, уларнинг томирига сув қуйиб, гурирашига шароит яратиб бераётганлар ҳам ўзимиз...


Биз бора-бора «аёлсифат»ларга

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

ЭЪЛОН			
АИТБ «Ипак йўли» ўз балансида бўлган автотранспорт воситаларининг олди-соттиси бўйича таклифларни қабул қилишини маълум қилади.			
№	Автомобиль русуми	Ишлаб чиқарилган йили	
1	Спарк	2013	
2	Кобальт	2014	
3	Кобальт	2014	
4	Кобальт	2014	
5	Жентра	2016	

Мурожаат учун тел:
+998 78 140-78-00
ички 11-24

Турмуш чорраҳаларида



СИРТТИ ЯЛТИРОҚ...

Саломатлигим ёмонлашиб, шифохонага тушдим. Аҳволим оғирроқ эдим, бир-икки кун палатадошим билан жўяли суҳбатлаша олмадим ҳам. Ниҳоят, сал кучга кириб, у билан у ёқ-бу ёқдан гаплашадиган бўлдим. Ҳамхонам мени ўзига яқин олдим, Шоҳсанам исмли жиянининг ҳаётидан сўзлаб қолди:

– Бир кун ярим кечаси телефоним жарағидан чўчиб уйғондим. Уйқусираб телефонини олдим, нариги томондан «Опажон, опажон, тезроқ олиб кетинглар, мени ўлдириб қўйишди...» деган овозни эшитиб, ўзимни йўқотиб қўйдим. Бир дам ёрдам сўраётганининг кимлигини англолмай турдим, «сени ҳозироқ пичоқлайман, мазорда яна битта гўр қўлаяди», деган совуқ бақирикдан ўзимга келдим. Дастлабки овоз Шоҳсанамнинг, кейингиси қайнотасининг овози эди.

Шу заҳоти ҳўжайинимни уйғотдим. Машинада кетаётиб, бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир эсладим...

Шоҳсанам олийгоҳни битиргач, онкология диспансерида иш бошлади. Илк

кунларданоқ бирга ишлайдиган аёл унга разм солди. Қараса, муомалали, фаросатли, ўзига тўқ оиланинг қизи. Келин қиламан, деб кўнглига тугиб қўйган экан. Тўй бўлди. Бир йилдан сўнг ўғил фарзанд дунёга келди. Илк бор набирали бўлган буви чақалоқни ҳеч кимга, ҳатто келинига ҳам ишонмай, ўзи қарарди. Вақт ўтиб, оила яна биттага кўпайди. Афсуски, Шоҳсанамнинг эри ўзгара бошлади. Кечалари кеч келадиган, тез-тез хизмат сафарига кетадиган одат чиқарди. Шу зайлда салкам икки йил ўтди.

Бу орада куёвнинг янги қилиқлари ошкор бўлди. У фирибгарликни ўзига касб қилиб олган экан. Ҳамкасблари ва танишларидан фалон вақтда қайтараман, деб қарз олган, уни қайтаришни умуман ўйламаган, оқибатда ишдан ҳам ҳайдалган экан. Турмуши ўхшамаган жияним фарзандлари билан ота уйига қайтди...

Бир кун куёвимиз менга телефон қилиб, оиласиз яшай олмайман, қайнотам билан қайнонам йўл беришмаяпти, деб ёр-дам сўради. Ёшларнинг ҳаёти барбод бўлмасин деб, бор масъулиятни бўйнимга олиб, опамникига бордим. Куёв қилган ишларидан пушаймон эканини айтиб, оиласини сақлаб қолиш учун яна бир бор имкон беришларини сўрадим. Аммо поччам бундан ҳеч қандай фойда йўқлигини, бу ҳолат бора-бора такрорланганини айтди. Шунча гапдан кейин ҳам Шоҳсанамни келинлик уйига қайтардик...

Афсуски, куёв тавбасига таянмади. Эшикни бемаврид тақиллатиб, қарзини сўраб келаётганларни қўяверди. Таниш-билиш, қариндош-уруғдан ташқари аёлининг яқинларидан ҳам «ишимда муаммо бўляпти, бунча пул керак, агар пул топмасам, қамалиб кетаман», деб қарз олиб, қанчадан-қанча одамни чув туширди. Эшик

тақиллатиб эрини сўраб келган аламзада бир киши жиянимга шундай дейди: «Сизга бир гапни айтиб қўяй, эрингиз мендан пул олганига анча бўлди. Ҳар доим бугун-эрта деб, турли баҳоналар билан алдайди. Ҳатто бир гал «агар шу сафар вақтида бермасам, онамнинг оқ сути ҳаром бўлсин», деб қасам ичди. Охири марта агар фалон куниям бермасам, хотиним сизга «подарка», деб қасам ҳам ичди. Лекин мен эркакман, мусулмонман...»

Бу гапларни эшитган Шоҳсанамнинг юраги ёрилиб кетгудек бўлади. Тавба, умр йўлдоши, зурриёдларининг отаси инсонми ёки шайтон?

Жияним эшитганларини қайнона-қайнотасига айтиб беради-ю, балога қолади. Ҳамма айбони унга ағдаришди, ҳақорат қилишди...

Мени уйғотиб юборган кўнғироқ эса ана шу жанжалдан икки кун ўтиб бўлади... Ҳўжайиним билан борганимизда, тунги соат иккилар эди. Бўлаётган тўс-тўполон бу оиланинг асл башарасини кўрсатиб ту-

БИР КУНИ КУЁВИМИЗ МЕНГА ТЕЛЕФОН ҚИЛИБ, ОИЛАСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙМАН, ҚАЙНОТАМ БИЛАН ҚАЙНОНАМ ЙЎЛ БЕРИШМАЯПТИ, ДЕБ ЁРДАМ СЎРАДИ. ЁШЛАРНИНГ ҲАЁТИ БАРБОД БЎЛМАСИН ДЕБ, БОР МАСЪУЛИЯТНИ БЎЙНИМГА ОЛИБ, ОПАМНИКИГА БОРДИМ. КУЁВ ҚИЛГАН ИШЛАРИДАН ПУШАЙМОН ЭКАНИНИ АЙТИБ, ОИЛАСИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН ЯНА БИР БОР ИМКОН БЕРИШЛАРИНИ СЎРАДИМ. АММО ПОЧЧАМ БУНДАН ҲЕЧ ҚАНДАЙ ФОЙДА ЙЎҚЛИГИНИ, БУ ҲОЛАТ БИР НЕЧА БОР ТАКРОРЛАНГАНИНИ АЙТДИ. ШУНЧА ГАПДАН КЕЙИН ҲАМ ШОҲСАНАМНИ КЕЛИНЛИК УЙИГА ҚАЙТАРДИК...

рарди: ҳар доимгидек, қайнона келиннинг ўзга-бир қолганини гапирар, қайнота эса келинига пичоқ ўқталиб, уни бузуқ деб ҳақоратлар, қайиниси ҳам қўлларини силтаб келинкойсига бақирар эди...

Охир-оқибат, икки ёш расман ажрашишди...

Раъно МАҲКАМОВА,
«ISHONCH»



МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛИМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоҳосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛИМУРОДОВ

(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ

(Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК

(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги англичанлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

А. Абдурахмонов

Мусахҳиҳ:

Д. Худойберганова

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 01:00
Топирилди – 01:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Г-806

31553 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,

Буҳоро кўчаси, 24-йўл.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба,

пайшанба ва шанба

кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер

марказида терилди ва

саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41-йўл.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТНБ «Ipoteka bank»

Яшнобод филиали,

банк коди: 00959,

СТИР: 201133889,

ОКЗД: 58130